

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ ЎРГАНИШДА ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ (ҒУЗОР ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Саидова Дилобар Зоҳид қизи – ТИҚХММИ магистранти

### Аннотация

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этилишини ўрганиш ва бунда ГАТнинг аҳамияти масалалари ҳамда замонавий усуллар ёрдамида қишлоқ хўжалик карталарини тузиш усуллари кўриб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши Ўзбекистон иқтисодётининг негиз соҳаларидан биридир. Унинг бош вазифаси мамлакатимиз аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондиришдан иборат.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон ҳукумати ушбу соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга, унинг ҳудудий тузилмаларини такомиллаштиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда минтақаларнинг қишлоқ хўжалиги салоҳиятини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Бу борада кўплаб қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилиниб ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Улар орасида, айниқса фермерчиликни ривожлантиришга доир ҳамда қишлоқ хўжалигини моддий-техник жиҳатдан модернизация қилишга доир давлат ҳужжатлари муҳим ўрин тутади. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2018-йилнинг 4-январ куни қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра жорий йилнинг биринчи ярмида республикаимиз қишлоқ хўжалиги учун 5778 дона қишлоқ хўжалиги техникаси, шундан 758 ер ҳайдовчи, 1500 та чопик трактори, 330 та боғдорчилик мақсадларидаги трактор, 2790 та осма ва тиркамали қишлоқ хўжалиги техникаси, шунингдек, 400 та ғалла ўриш комбайнини сотиб олиш мўлжалланган[1].

Бугунги кунга келиб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий географик ахборот тизимларини қўллаш асосида ўрганиш, ўз навбатида, ушбу соҳанинг ҳудудий тузилиши, тармоқлар таркиби, минтақаларнинг аграр салоҳиятини таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда мониторинг қилишда кенг имкониятлар очиб беради.

Ўрганилаётган Ғузор тумани Қашқадарё вилоятининг жанубий-ғарбида жойлашган бўлиб, 1926-йили ташкил этилган. У Қарши, Нишон, Яккабоғ, Дехқонobod туманлари ҳамда Туркменистон Республикаси билан чегарадош. Иқлими кескин континентал. Туманнинг умумий ер майдони 265230 гектарни ташкил қилади. Шундан жами экин ер майдони 61483 гектарга тенг бўлиб, унинг 57% ёки 34998 гектари суғориб дехқончилик қилинадиган ерларга тўғри келади холос. Шунингдек 2017-йил маълумотларига кўра, 2299 гектар ерлар шўрланган, 1280 гектар ернинг эса мелиоратив ҳолати ёмонлашган[2].

Ғузор тумани хўжалигининг асосий тармоғи – бу қишлоқ хўжалигидир. Мустақиллик йилларида бу ерда улкан саноат корхоналари қурилганига қарамай, туман иқтисодиётининг ихтисослашган тармоқлари сирасига пахтачилик ва ғаллачилик киради. Сўнгги йилларда сабзавотчилик, боғдорчилик тармоқлари ривожланмоқда. Бу ерда гўшт-сут чорвачилиги, пиллачилик ҳам ривожланган. Туманнинг аграр саноат мажмуасида дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уни қайта ишлаш соҳаси ҳам ривожланган. Жумладан, пахта тозалаш заводи, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шулар билан бирга, туман ҳудудида ёқилғи ва газ кимё саноатининг йирик корхоналарини жойлашганлиги, унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Ғузор туманининг

қишлоқ хўжалик мажмуасини сув билан таъминлашда “Пачкамар” сув омбори, Ғузур дарёси асосий манба бўлиб ҳисобланади. Туманда кейинги йилларда суғорма деҳқончилик қилинадиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш мақсадида янги каналлар мажмуаси ташкил этилди, айримлари қайта тикланди. Худуд ерлари реконструкция қилиниб, қайта текислаш эвазига ички, кам фойдаланилаётган суғориш тармоқлари йўқотилди, экин майдонлари кенгайтирилди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишда иқтисодий-ижтимоий омилларнинг аҳамияти катта. Булар жумласига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги, иқтисодий географик ўрни ва ихтисослашуви, инфратузилманинг ривожланганлиги, меҳнат ресурсларининг миқдори, таркиби ва сифат кўрсаткичлари киради. Шу билан бирга, Қашқадарё вилояти Ғузур тумани қишлоқ хўжалиги тармоқлари турлича меҳнат сиғимига эгаллиги ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни бошқаришда ўзига хос хусусиятларни белгилаб беради. Шулар билан бир қаторда, туманнинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини белгилашда, фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Туман қишлоқ хўжалигининг ҳудудий тузилмалари, жумладан унинг турли тармоқлари ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ўрганишда, аввало, қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ерлардан оқилона фойдаланишда замонавий географик ахборот тизимлари ва уларнинг маҳсули бўлган хариталар муҳим аҳамият касб этади. Бундай хариталарни тузишда MapInfo, ArcGIS ва бошқа дастурлардан фойдаланиш катта самара беради. Булар асосида туман қишлоқ хўжалиги хариталарини тузиш, бунинг учун харитада, аввало, барча маълумотларни муайян тизим асосида тасвирлаш талаб этилади. Сўнгра, ундаги маълумотлар таҳлил қилиниб, хулосалар олинади. Бундай хариталарнинг асосий мазмунида (фон) анъанавий равишда қишлоқ хўжалиги экин ареали, шунинг билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига доир кўрсаткичлар ҳам акс эттирилиши зарур.

#### Хулоса

Келтирилган маълумотларга биноан шуни айтиш мумкинки, замонавий усуллар ёрдамида ишлаб чиқилган ва айниқса, туман миқёсида бажарилган бундай тематик агрохариталар тегишли соҳавий ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018-йил 4-январда қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора тadbирлар тўғрисида”ги қарори
2. Қашқадарё вилояти Ғузур тумани статистика бошқармаси, Ғузур тумани паспорти, 2017 й.
3. Мирзалиев Т., Сафаров Э., Мусаев И. Ижтимоий-иқтисодий картография. Тошкент-2009 й.

**Илмий раҳбар:**

**И.М. Назаров**